

Фикҳ 177-дарс. Салом лафзи ва витринг қунути



18:31 / 17.03.2022 5964

Намоздан «салом» лафзи ила чиқиш вожибдир.

Бунинг далиллари қуйидагича:

حَاتْفَمَ «: لَاقَمَّ لَسَوِ هِيَ لَعُ هَل لَ لَ صَّ يَّ بَّ ن لَ ا نَع ، هُنَّ عُهُ ل ل ل ا ي ض رِّ ي لَعُ نَع
دُوَادُ وُبَّ ا هَا وِر . «م ي ل س ت ل ا ه ل ي ل ح ت و ، ر ي ب ك ت ل ا ه م ي ح ت و ، ر و ط ل ل ا ل ص ل ل ا
ي ذ م ر ت ل ا و

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Намознинг калити покликдир, унинг (бошқа ишларни) ҳаром қилувчиси такбирдир, ҳалол қилувчиси эса саломдир», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо намознинг охирида салом берганлари кўплаб ҳадисларда ривоят қилинган.

Энг ози – икки марта «Ассалому», дейиш. Мукаммали – «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ», дея ўнг ва чап тарафларга қараш.

Имом салом берганда ортидаги намозхонларни, ҳафаза (сақловчи) фаришталарни ва аҳли солиҳ жинларни ният қилади.

Муқтадий ўз саломи ила имомга алиқни ва қавм ҳамда ҳафаза (қўриқчи) фаришталарни ва аҳли солиҳ жинларни ният қилади.

Якка намозхон саломида фаришталарни ният қилади.

Иккинчи саломида овозини биринчисидан кўра бир оз пасайтиради.

Муқтадийнинг саломи имомнинг саломидан бевосита кейин бўлади.

Витрнинг қунути

«Қунут» луғатда «дуо» ва «тазарруъ» маъносини англатади.

Шариатда эса намозда рукуъдан олдин ёки кейин туриб, Аллоҳ таолога илтижо қилиб, ёмонликни даф қилиш ёки яхшиликни жалб қилишини сўрашдир.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, витр намозида қунут дуоси ўқилади. Намозхон витр намозининг учинчи ракъъатида қироатни тамом қилганидан сўнг намозни бошлашдагига ўхшатиб такбир айтиб, икки қўлини кўтаради. Сўнгра қўлларини киндиги остига қўяди ва қунутни ўқиб, кейин рукуъга кетади.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, витр намозида доимо, мусибат тушганида эса қироатни ошкора қиладиган намозлардагина қунут ўқилади. Бомдод намозида қунут ўқиш мансух бўлган.

تَنْقِمْ لَسَوْءِ وَيَلْعَلْ لَإِيَّاصِّ بِنَلَّأْنَ لِقُؤْهَلَلْ يَضَرُّ دُعُؤَسَمَنْبَانَع
ةَبُؤَشِيْبَانُؤَارَبُّؤَطَلْأُوْرَأَبُّؤَلْهَأْوُرُؤَكْرَتُؤْمُؤْأَرْؤَشْرُؤَجُؤَلْؤَالْصِيْفِ
ؤِيْوَأُؤَطَلْأُو

Ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир ой бомдод намозида қунут ўқиб, сўнгра тарк қилдилар».

Имом Баззор, Табароний, Ибн Абу Шайба ва Таҳовий ривоят қилишган.

Икки ийднинг такбирлари

Рамазон ва Қурбон ийдларининг зоида такбирларини айтиш вожибдир, чунки Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам доимо уларни айтганлар ва ўз умматларига буни ўргатганлар.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди